
ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ҚИРҶИЗИСТОННИНГ НОРИН ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ НАТИЖАСИДА 3,48 МЛН. ДОЛЛАРЛИК ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИ ТУЗИЛДИ

Жорий йил 1-2 июль кунлари Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев бошчилигидаги делегация ҳудудлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун Қирғизистоннинг Норин вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф доирасида ўтказилган бизнес-форум яқунларига кўра, Норин вилоятига кўчат ва велосипедларларни етказиш, ўзаро туристлар алмашиш юзасидан умумий қиймати 3,48 млн. долларлик 3 та экспорт шартномалари тузилди.

Шунингдек, Норин вилоятидан 50 минг тонна тирик вазндаги гўшт, 60 минг тонна картошка маҳсулотларини Фарғона вилоятига келтириш, Фарғона шаҳридаги “Чарм тўп келажаги” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган спорт тўпларини сотиш учун Ўш-Норин йўлида 10 та савдо дўконлари тармоғини яратиш каби яна бир қатор бошқа келишувларга ҳам эришилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-07-05 11:20:31